

Сийрат дарслари (34-дарс)



13:30 / 25.05.2019 5391

187. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набийюллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага Абу Бакрни мингаштирган ҳолларида кириб келдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам ёш кўринар ва танилган эмасдилар. Абу Бакр ёши улуғроқ ва танилган эди. Унга учраган киши: «Эй Абу Бакр, олдиндаги одам ким?» деб сўрарди. Абу Бакр бўлса: «Бу мени йўлга ҳидоят қиладиган», дер эди. Эшитувчи «йўл»ни тушунар эди. У эса, яхшилик йўлини қасд қилар эди. Абу Бакр қайрилиб қараб, бирдан ўзларига етай деб қолган отлиқни кўрди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Анави отлиқ бизга етиб қолди!» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қайрилиб қарадилар ва: **«Аллоҳим, уни йиқитгин!»** дедилар. Шунда уни оти йиқитди ва туриб кишнай бошлади. У: «Эй Аллоҳнинг Набийи! Мени хоҳлаган нарсангизга амр қилинг!» деди. У

зот: **«Жойингда туриб, бизга бировнинг етиб олишига йўл қўйма»**, дедилар. У куннинг аввалида Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга душман эди. Куннинг охирига келиб у зотга ёрдамчи бўлиб қолди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳарранинг бир томонига тушдилар. Шунда у зот ансорийларга одам юбордилар. Улар келиб, у зотга салом беришди ва: **«Икковингиз омонлик-ла ва итоат қилинган ҳолда уловга мининглар»**, дейишди. Набийюллоҳ ва Абу Бакр миндилар. Улар силоҳлар билан икковларини ўраб олишди. Мадинада **«Набийюллоҳ келдилар! Набийюллоҳ келдилар!»** дея бошлашди. Улар интилиб назар солишар ва: **«Набийюллоҳ келдилар! Набийюллоҳ келдилар!»** дейишарди. У зот юриб бориб, Абу Айюбнинг ҳовлиси ёнига тушдилар. У зот аҳлларига сўзлаётганларида Абдуллоҳ ибн Салом эшитиб қолди. У ўз аҳлининг хурмосини тераётган эди. Тераётган нарсасини қўйишга ҳам улгурмай, қўлидаги нарса билан шошилиб етиб келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан (ҳадис) эшитиб, сўнг аҳлига қайтиб кетди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аҳлимизнинг уйларида қай бири энг яқин?»** дедилар. Абу Айюб: **«Меники, эй Аллоҳнинг Набийи! Манави ҳовлим, манави эшигим»**, деди. У зот: **«Сен бориб биз учун кундузги уйқуга жой ҳозирла»**, дедилар. У: **«Икковингиз Аллоҳнинг баракаси ила ўрнингиздан турунглари»**, деди.

Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келганларида, Абдуллоҳ ибн Салом келиб: **«Албатта, Сиз Аллоҳнинг Расулусиз, деб гувоҳлик бераман. Албатта, Сиз ҳақ ила келгансиз. Яҳудийлар уларнинг улуғи эканимни, улуғларининг ўғли эканимни, илмилари эканимни ва илмиларининг ўғли эканимни яхши билишади. Мусулмон бўлганимни билишларидан олдин уларни чақириб, мен ҳақимда сўранг. Агар улар мусулмон бўлганимни билиб қолишса, менда йўқ нарсаларни айтишади»**, деди.

Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга одам юбордилар. Улар келиб, ҳузурларига киришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: **«Эй яҳудийлар жамоаси! Шўринг қурғурлар, Аллоҳга тақво қилинглари. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ Аллоҳга қасамки, албатта, сизлар менинг Аллоҳнинг ҳақ Расули эканимни яхши биласизлар. Мен сизларга ҳақ ила келдим. Мусулмон бўлинглар!»** дедилар. Улар: **«Билмаймиз»**, дейишди. У зот уч марта айтдилар. Кейин: **«Абдуллоҳ ибн Салом сизларнинг орангизда қандай одам?»** дедилар. **«У улуғимиздир, улуғимизнинг ўғлидир! У олимимиздир, олимимизнинг ўғлидир!»** дейишди. **«Айтинглар-чи, агар у**

мусулмон бўлса-чи?» дедилар. «Худо сақласин! У мусулмон бўлиши мумкин эмас!» дейишди. **«Айтинглар-чи, агар у мусулмон бўлса-чи?»** дедилар. «Худо сақласин! У мусулмон бўлиши мумкин эмас!» дейишди. **«Айтинглар-чи, агар у мусулмон бўлса-чи?»** дедилар. «Худо сақласин! У мусулмон бўлиши мумкин эмас!» дейишди. **«Эй Ибн Салом, уларнинг олдига чиқ!»**, дедилар. Уларнинг олдига чиқди ва: «Эй яҳудийлар жамоаси! Ундан бошқа ибодатга сазовор зот бўлмаган Аллоҳга қасамки, албатта, сизлар унинг Аллоҳнинг Расули эканини ва ҳақ ила келганини биласизлар», деди. «Ёлғон айтасан!» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни чиқариб юбордилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан